



Қуръони Каримда Мусо алайхиссалом ва Фиръавн ўртасидаги можаро ҳамда унинг бани Исроилга қилган зулми батафсил зикр қилинган.

Бундан ташқари, Қуръони Каримда қадимги Миср тарихига оид маълумотлар бор. Энг кизиги, мазкур маълумотлар тарихчи ва археологлар тарафидан яқинда тўлиқ тасдиқланди. Китобда фиръавн билан бирга зикр қилинган Хомон жуда кўпчиликни хайратга солди. Унинг исми тўртта оятда Фиръавн билан бирга зикр қилинган. У фиръавннинг яқинларидан бўлган.

Хомон исми тарих фанига маълум эмас эди. Олимлар ўн саккизинчи асрнинг ўрталаригача қадимги Миср ёзувларини ўқиш сирини била олмадилар, чунки бу тил минг йиллар давомида ўлик тил ҳисобланиб келар, уни ўқиш усуллари ҳам сақланиб қолмаган эди. Бироқ XIX асрда Миср иероглифларини ўқиш имкони пайдо бўлди. Иероглифларни ўқиш имконияти тугилгач, тарихчи олимлар қадимги Миср тарихи ҳақида деярли тўла маълумотга эга бўлдилар. Маълум бўлишича, Қуръони Каримда зикр қилинган, фиръавннинг хизматкорларидан бирининг исми бўлган Хомон сўзи ҳам бу ёзувларда бор экан. Бундан ташқари, ушбу тарихий ёзувларда Хомон фиръавннинг содик аъёнларидан бири бўлганлиги таъкидланган. Тилсими маълум бўлган иероглифлар асосида тузилган "Янги қироллик кишилари" лугатида Хомон гишт пиширувчи усталар устидан назоратчи сифатида санаб ўтилган. Бунинг диққатга сазовор жойи шуки, ояти қарималарда фиръавн Хомонга улкан минора қуриш ҳақида буйруқ берганлиги айtilган. Фиръавн бу миноранинг зинапоялари бўйлаб осмонга, ҳудонинг ҳузурига қўтарилмокчи бўлган. Археологик қазилмаларда аниқланган маълумотлар Қуръони Карим оятларига тўла мос келди.

Фиръавн: "Эй одамлар, мен сизлар учун ўзимдан бошқа бирон илоҳ борлигини билган

эмасман. Бас, сен эй Хомон, лойни пишириб, (гишт куйиб) мен учун бир (баланд) каср бино кил, шоядки мен (унинг устига чикиб) Мусонинг худосини кўрсам. Албатта мен уни ёлгончи кимсалардан деб ўиламоқдадирман", деди. Касос сураси, 38-оят

Аммо кизиги шундаки, Тавротда, Мусо алайхиссалом ва у кишининг хаётлари хикоя килинган жойда Хомоннинг исми зикр килинмаган. Бирок Хомон исми Кадимги Ахднинг сўнгги кисмларида зикр килинган бўлиб, у бани Исроилга катта зулм килган Бобил подшохининг аъёнларидан бири бўлган экан. Бирок бу воқеалар Мусо алайхиссаломдан кейин 1100 йил ўтиб бўлган.

Куръони Каримда зикр килинган Хомон эса, архиологик кашфиётлар натижасида ўз тасдиғини топди. Унга кўра, Хомон Мусо алайхиссалом даврида яшаган экан. Кадимги Миср иероглифлар сири 1799 йил тадқиқотчи французлик Жан Франсуа Шамполон томонидан ечилди. Мисрнинг Розетта шаҳри ёнидан кадимги тош битик топилади. Унда битилган битикларнинг 54 та катори кадимги юнон тилида ёзилган бўлиб, тадқиқотчи бу тилни сув килиб ичиб юборганлардан эди. Кадимги юнон тилида ёзилган матн устида демотик харфлар (иероглиф хатининг енгил услуби) билан битиклар бор эди. Унинг устида эса, иероглифлар билан ёзилган битик бор эди. Катта меҳнат эвазига Шампольон кадимги Миср иероглифларни ўқиш услубини кашф этди. Маълум бўлишича, кадимги мисрликлар маъно берувчи белгиларни (идеограмм) сон белгилари билан аралаштириб фойдаланган.

Булардан сўнг, унутилиб кетилган Кадимги Миср тарихи замонавий тадқиқотчилар учун қайта кашф бўлди. Кадимги Миср солномалари, кўхна деворлар, макбара, хайкал ва бошқа ёдгорликлардаги ёзувлар ўқилди.

Тадқиқотлар давомида Хомон исми бир нечта кадимги Миср ёзувларида учради. Шундай килиб, Хомон кадимги Мисрда Мусо алайхиссалом даврида яшаган тарихий шахс экани маълум бўлди. У фиръавннинг яқинларидан бўлиб, қурилиш ишларига бошчилик килган. Куръони Каримда у хақида зикр килинган: "Фиръавн: "Эй одамлар, мен сизлар учун ўзимдан бошқа бирон илоҳ борлиғини билган эмасман. Бас, сен эй Хомон, лойни пишириб, (гишт куйиб) мен учун бир (баланд) каср бино кил, шоядки мен (унинг устига чикиб) Мусонинг худосини кўрсам. Албатта мен уни ёлгончи кимсалардан деб ўиламоқдадирман", деди. Касос сураси, 38-оят

Мазкур оятда фиръавннинг хомонга каср бино қилишга буйруқ бермоқда, бу ҳам архиологик топилмалар билан тасдиқланди.

Бундан ташқари, Хомон фиръавн билан бирга зикр килинган бошқа оятлар ҳам бор: "Бас, Фиръавн оиласи уни ўзларига душман ва гам-гусса бўлиши учун тутиб олдилар. Албатта, Фиръавн, Хомон ва икковларининг аскарлари хатокорлардан бўлган эдилар" (Касас сураси, 8)

"Корун, Фиръавн ва Хомонларни (ҳам ҳалок қилдик). Батаҳкик, Мусо уларга очик-ойдин ҳужжатлар келтирди. Бас, улар ер юзида мутақаббирлик қилдилар ва қочиб қутулгувчи бўлмадилар" (Анкабут сураси, 39).

Ҳақиқатдан ҳам, милодий 2-3 асрларда кадимги иероглифлар ўқилиши унутилиб кетилган ёзувларни Шамполонгача ҳеч ким ўқий олмаган бўлса ҳам, Куръони Каримда булар хақида маълумот бўлган. Пайгамбаримиз соллоллоҳу алайҳи васаллам ҳам кадимги иероглифларни ўқий олмаганлар. У Зот бу маълумотларни кадимги Миср манбаларидан олиши ҳам мумкин бўлмаган. Куръони Каримда кадимги Миср зодагонларидан бир бўлган Хомоннинг исми зикр қилиниши муқаддас китобимизнинг илоҳий манба эканлиғини яна бир бор исботлайди, зеро унда қўплаб ноёб тарихий

маълумотлар борки, асри саодатда бу маълумотлар хакида ҳеч кимда ҳеч қандай аниқ маълумот йўқ эди.

Археолог ва тадқиқотчиларнинг кашфиётлари ҳам Куръони Карим Аллоҳ таолонинг китобига эканига яна бир далилидир.

Манбалар асосида
Абу Муслим тайёрлади